

Qarshi

Gazeta 1966-yildan
chiqa boshlagan.
2025-yil
29-may № 5 (1122)

Kuch — bilim va tafakkurda!

Ijtimoiy-ma'rifiy gazeta

universiteti

Университет ҳаётидан

**“УНИВЕРСИАДА — 2024”
РЕСПУБЛИКА
ФИНАЛ БОСҚИЧИДА
УНИВЕРСИТЕТИМИЗ
ТАЛАБАСИ ОЛТИН
МЕДАЛНИ ҚЎЛГА
КИРИТДИ!**



2025 йил 6-8 май кунлари Самарқанд шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган “Универсиада - 2024” спорт мусобақаларининг энгил атлетика йўналиши бўйича республика финал босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада Қарши давлат университети Спорт факультети доценти Бахтияр Худойбердиев мураббийлигида иштирок этган факультет талабаси Ражабов Қувончбек Норхўжа ўғли энгил атлетиканинг

баландликка сакраш тури бўйича 205 см натижа қайд этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Университет жамоаси номидан спортчимиз ва унинг мураббийини ушбу юксак ютуқ билан самимий муборакбод этамиз!

ШОҲИСТА ШЕРМАМАТОВА — РЕСПУБЛИКА ИНШОЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Талаба-ёшлар ўртасида “Жадидлар жасорати — миллатимиз фахри” ҳамда “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзуларида ўтказилган иншолар танлови республиканинг барча ҳудудларида 7 гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилган бўлиб, минтақавий босқичда жами 120 га яқин иншо Экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланди.



Баҳолаш жараёнлари тўлиқ шаффофлик ва адолатлилик тамойиллари асосида олиб борилди.

Бугун эса Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ушбу танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ташкил этилди. Ушбу нуфузли танловда Қарши давлат университети Филология факультети 4-курс талабаси Шерматова Шохиста Бахтиёр қизи “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги иншо билан биринчи ўринни қўлга киритди.

Талабамиз Шерматова Шохиста Бахтиёр қизини ғалабаси билан самимий табриклаймиз ҳамда келажақдаги фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз!

Маълумот ўрнида, танлов ғолиблари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мос равишда 8 миллион, 6 миллион ва 5 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари билан, фаол қатнашган иштирокчилар эса Вазирликнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

“МИРЗО УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

24 май куни “Мирзо Улуғбек ворислари” танловининг Республика босқичи якунланди. Тўрт кунлик беллашувларда республиканинг барча ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар иштирок этиб, ўз bilim ва салоҳиятини намойён қилдилар.

Танлов Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда “Улуғбек” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Ғолиблар эсдалик совғалари, дипломлар ҳамда БҲМнинг 20 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Қувонарлиси, танловнинг техника йўналишида Қарши давлат университети талабаси Абдуганиев Бобуржон Акрамжон ўғли ўз инновацион лойиҳаси билан ғолибликни қўлга киритди.

Университет жамоаси талабамизни самимий муборакбод этади ва илм йўлида улкан зафарлар тилайди!



ДАСТААБКИ ҲИМОЯЛАР БОШЛАНДИ

“Магистратура тўғрисидаги” Низомга мувофиқ магистрлик диссертацияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари белгиланган тартибда, босқичма-босқич амалга оширилади.

Шу муносабат билан Қарши давлат университетида 2025 йил 19-24 май кунлари Магистратура бўлими томонидан тасдиқланган график асосида мутахассисликлар кесимида 93 нафар битирувчи магистрантнинг дастлабки ҳимоялари факультет ва йўналишлар доирасида муваффақиятли ташкил этилди.



13-16 май кунлари Тошкент вилояти-нинг Ангрен шаҳрида жойлашган Янгиобод Республика ўқув-машғулот спорт базасида пара энгил атлетика бўйича катталар (эркаклар ва аёллар) ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

МАТОНАТ ВА ИРОДА НАМУНАСИ — ЗАФАРЛИ ҒАЛАБА!

Қувонарли жиҳати шундаки, ушбу чемпионатда Қарши давлат университети Хорижий тиллар факультети 4-босқич талабаси, матонатли ва иродали ёшларимиздан бири Дилшодаой Чориева юқори натижаларни қайд этди.

У Т/38 тоифасида 100 метрлик югуриш баҳсларида учинчи ўринни, 400 метрлик югуриш мусобақасида эса барча рақибларини ортда қолдириб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Бу эса унинг кучли тайёргарлиги, сабр-матонати ва юксак мақсад сари интилишининг ёрқин натижасидир.

Дилшодаой, биз сизнинг бу ютуқларингиздан фахрланамиз! Сиз ўз ғайратингиз, интилиш ва иродангиз билан кўпчилик ёшларга намуна бўляпсиз. Жисмоний имкониятлар чекланган бўлиши мумкин, лекин юракдаги ишонч ва руҳдаги куч чекланмаган эканини амалда исботладингиз.

Ишончимиз комилки, олдинда яна кўплаб муваффақият ва зафарлар сизга насиб этади. Йўлингиз доим ёруғ ва омадли бўлсин!



БИЛИМ ВА ФИДОКОРЛИК ЭЪТИРОФИ: ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ САҲНАДА

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида "Вилоят ҳокими олимпиадаси"нинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов, тегишли соҳа раҳбарлари, ғолиб ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамда устозлари иштирок этди.

Мазкур олимпиада умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифати ва фанларни ўқитиш даражасини ошириш, халқаро мезонлар асосида юқори натижаларга эришиш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.

Олимпиада кимё, биология, физика, математика, информатика ва ахборот технологиялари, тарих, она тили ва адабиёт, инглиз, немис ва француз тиллари фанлари бўйича мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида ўтказилиб, иқтидорли ўқувчилар ўз билим ва салоҳиятини намоён этдилар.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, физика, кимё ва биология фанлари бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар Қарши давлат университетининг мос йўналишларига ўқишга тавсия этилди.

Бундай ташаббуслар ёшларни илм-фанга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда замонавий билимлар асосида етук мутахассислар бўлиб етишишига замин яратишда муҳим ўрин тутди.



“ЛОЧИН”НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ПАРВОЗИ

Қарши давлат университети ҳузуридаги "Лочин" футбол клуби янгидан ташкил этилганига катта вақт бўлмаган бўлса-да, бугунги кунда жамоа ўзининг курашувчан ўйини ва жозибадор натижалари билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонмоқда.

Хусусан, жамоа 2022 йилдан буён кетма-кет уч маротаба Қашқадарё вилояти кубогини, шунингдек, бир марта вилоят ҳокими кубогини қўлга киритди. Шу билан бирга, иккинчи лига мусобақаларида ҳам зафарли ҳаракат қилиб, юсак натижаларга эришди. Бундай ютуқлар тасодиф эмас - уларнинг замирида тинимсиз меҳнат, қатъиятли саъй-ҳаракат, профессионал ёндашув ва шижоат ётади.

Жорий йил апрель ойи бошларида Қарши давлат университети ректори, профессор Дилмурод Набиев ҳамда Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (ЎзПФЛ) бош директори Диёр Имомхўжаев ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасига кўра, "Лочин" футбол клуби расман ЎзПФЛ аъзолигига қабул қилинди. Энди жамоа Ўзбекистон кубоги ва Биринчи лига мусобақаларида қатнашмоқда ва ҳар икки фронтда ҳам кучли ҳаракатлар намоён этмоқда.

Жумладан, Биринчи лигада "Насаф Фарм", "Каттақўрғон", "Навоий футбол академияси" жамоаларини мағлуб этган, "БухДУ" билан дуранг ўйнаган жамоа гуруҳда пешқадамликни сақлаб келмоқда. Энг ёрқин ғалабалардан бири, Ўзбекистон кубоги доирасида қайд этилди: Суперлиганинг тажрибали жамоалари - "Сурхон" ҳамда амалдаги кубок соҳиби "Андижон" устидан қозонилган ғалабалар ҳақиқий сенация сифатида баҳоланди ва жамоа мусобақанинг кейинги босқичига йўлланма олди.

"Лочин" олдига улкан мақсадлар қўйган - Про лигага йўлланмани қўлга киритиш ва

Кубок беллашувларида имкон қадар олдинги босқичларгача етиб бориш. Бу борада университет раҳбарияти, хусусан, ректор Дилмурод Набиев томонидан спортни қўллаб-қувватлаш, замонавий инфратузилма яратиш ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар жамоа ютуқларининг асосий омилларидан биридир.

Шунингдек, университет спорт соҳасидаги юксалишларини волейбол йўналишида ҳам намоён этмоқда. Яқинда "Лочин" волейбол клуби Ўзбекистон чемпионатининг якуний финал босқичига йўлланма олди. Бу эса университет жамоаси ушбу мусобақада илк бор иштирок этаётганига қарамасдан, ёш ва иқтидорли таркиби орқали тажрибали жамоалар эътирофини қозонаётганидан далолат беради.

Қисқаси, Қарши давлат университети-нинг "Лочин" жамоалари нафақат натижалар, балки руҳ ва юрак билан курашиш борасида ҳам ўрнатилган мамлакат спорт осмониди ўз қанотларини тобора баланд ва собитқадам равишда кўтариб бормоқда.



УНИВЕРСИТЕТДА “КАРЕРА КУНИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

2024/2025 ўқув йили якунида Қарши давлат университетини 6052 нафар талаба-ёшлар тамомлаши кутилмоқда. Битирувчиларни меҳнат бозорига муваффақиятли интеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 26 май куни университетда "Карера куни" тадбири ташкил этилди.



Мазкур анжуманда вилоятимиздаги турли соҳаларни қамраб олган 30 га яқин нуфузли ташкилот ва корхоналар ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Тадбир доирасида битирувчи талабалар ва иш берувчи ташкилотлар вакиллари ўртасида юзма-юз мулоқотлар олиб борилди, ишга жойлашиш масалаларида маслаҳатлар берилди, шунингдек, қатор талаба-ёшлар билан меҳнат шартномалари ҳам имзоланди.

"Карера куни" — бу нафақат ишга жойлашиш имконияти, балки талабаларга ўз малака ва кўникмаларини иш берувчиларга намоён этиш, келажакдаги фаолият йўналишини белгилашда муҳим қадамлардан биридир.

Эшпўлат Жабборовнинг вафоти ҳақида эшитишим биланок юрагимдан нимадир узилгандек бўлди, лабларим титрар, кўзимдан эса беихтиёр ёшлар томчилар эди. Бу хабарнинг ёлғон бўлиб чиқишини жуда-жуда хоҳлар эдим. Университетдан келган кўнғирокдан кейин зудлик билан Касби тумани Тошқўрғон қишлоғига йўл олдим, устознинг уйига яқинлашар эканман, кўчани тўлдириб турган тумонат одамга кўзим тушди. Назаримда, оёқларим ўзимга бўйсунмаётгандек эди.

Қарши давлат университетида ўқий бошлаганимдан бери Эшпўлат Жабборов раҳбарлигида кўплаб ютуқларга эришдим, бу инсон менга нафақат устоз, балки отамдек бўлиб қолган эди. Эшпўлат Жабборов раҳбарлигида "Қашқадарё халқ дostonлари ономастикаси" мавзусида олиб бораётган илмий тадқиқотим нихоясига етиб, диссертация ҳимояси тўғрисидаги эълонни кутаётган эдим, бироқ бевақт ўлим устозимни ҳаётдан олиб кетди.

Сийрати ва сурати бир-бирига мос тушадиган инсонлар ҳаётда кам учраса-да, аммо Эшпўлат Жабборовда бу иккиси мужассам эди. Таълим тизимининг турли бўғинларида ишлаган устоз ўзининг илми-салоҳияти, олимликни ва одамийликни ўзида жам қилган самимий инсонлиги билан кўплаб

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносувати билан

УСТОЗИМНИ ХОТИРЛАБ

дўстлари, шогирдлари ва яқинлари юрагидан чуқур жой олган эди.

Хафтанинг ҳар душанба ва чоршанба кунлари Эшпўлат Жабборовнинг олдига университетга бориб, илмий мақолаларим ҳамда диссертациям устида ишлар эдик. Устоздан мақтов эшитиш мақсадида ҳар бир мақолам устида жиддий ишлашга, имкон борица илмий ва услубий хатоликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиб, ҳафталаб шуғулланар эдим, бироқ устознинг қўлига мақолани топширишим билан қогоз юзини қизил чизиклар эгаллар, шундай бўлса-да, устоз мулоиймлик билан камчиликларимни тушунтирар, танбехлари ҳам насиҳатдек эшитилар эди.

Кўпчилик устоздан илм ўрганиши бор гап, аммо шундай устозлар борки, улардан нафақат билим, балки одамийликни ҳам ўрганиш мумкин. Эшпўлат Жабборов серкарам устоз, шогирдлар кўнглидан жой топа олган инсон эди. Узоқ йиллар давомида кўплаб талабаларга таълим берди, минглаб педагог шогирдлар етиштирди. Олий таълим

муассасалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратди.

Эшпўлат Жабборов катта-хилликни билмайдиган, фирромликни ёмон кўрадиган тоза қалб соҳиби бўлиш билан бирга, шогирдларвар устоз, оилапарвар, меҳрибон ота ҳам эди. Катта оила соҳиби бўлган Эшпўлат Жабборов турмуш ўртоғи Тазкира Хонназарова билан биргаликда фарзандлари Шоира, Умиджон, Фулом, Ойбек, Элбек, Ҳумоюнларни тарбиялади, илмми инсонлар қилиб вояга етказишди.

Ҳаётда ҳаммининг ҳам орзулари бўлганидек, армонлари ҳам бўлади. Менинг энг катта армонларимдан бири илмий тадқиқотимнинг сўнгги муҳокама (ҳимоя)сида устозимнинг ёнимда эмаслиги бўлди. Тадқиқотимнинг расмий ҳимояси куни Илмий кенгаш раиси томонидан илмий ишимнинг мавзуси, тадқиқот бажарилган муассаса ва илмий раҳбаримнинг исми-фамилияси кенгаш аъзоларига ўқиб эшиттирилганда кўз ёшларимни тўхтата олмай қолдим. Ҳимоя кунини мендек

интиқлик билан кутган устозим бугун ёнимда йўқ эдилар... Ўзимни қўлга олиб, кенгаш аъзолари эътироф этганидек муваффақиятли ҳимоя қилдим. Лекин ҳар сафар илмий раҳбаримнинг исми тилга олинганда беихтиёр кўзимда ёш, қалбимни армон чулғарди.

Дилкаш инсон, ғамхўр ва талабчан устоз ҳисобланган Эшпўлат Жабборовнинг шарофати билан филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини қўлга киритдим. Гарчи устозим орамизда бўлмаса-да, у инсоннинг илм заҳматларини энгишимда кўрсатган йўл-йўриқлари — ёқиб кетган маърифат чироқлари узоқ йиллар нур сочиб туришига ишонаман. Устоз Эшпўлат Жабборовнинг порлоқ хотираси бу инсонни билганлар қалбида мангу қолади!

Достон АБАТОВ,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори



МОВАРОУННАХР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БЕБАХО ДУРДОНАСИ

Шахрисабз — (тарихда турли номлар билан аталган) ўзбек халқининг фахри, Мовароуннахр цивилизациясининг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади. Бу қадимий шаҳар 2700 йиллик тарихга эга бўлиб, ўзининг бой маданий мероси, бетакрор меъморчилиги ва буюк шахслар етиштириб берган юрти сифатида тарих зарварақларида муносиб ўрин эгаллайди.

Тарихий манбаларга қараганда, Шахрисабз милoddан аввалги даврлардаёқ қадимий Кеш деб аталган. Бу ном қадим форс тилида "яшил шаҳар" деган маънони билдиради. Ҳақиқатан, воҳанинг мусоффо ҳавоси, тоғлар бағридаги гўзал табиати ва серҳосил замини қадимдан аҳоли учун қулай маскан бўлиб келган. Кеш ҳудуди қадимий Сугд давлатининг муҳим сиёсий ва иқтисодий марказларидан бири бўлган.

Аммо бу заминда энг ёрқин тарихий саҳифа, шубҳасиз, Амир Темур номи билан боғлиқ. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур 1336 йилда ҳозирги Шахрисабзнинг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. У бу шаҳарни ўз юрти деб билган ва уни гўзалликда пойтахт Самарқанд билан тенглаштиришни istаган. Айнан унинг даврида Кўксарой, Оқ Сарой, Дорут Тиловат ва Дорус Саодат каби улугъ меъморий иншоотлар барпо этилди.

Оқ Сарой - Темурийлар салтанатининг қудратини намоён этувчи энг йирик сарой мажмуаларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий дарвозаси бугунги кунгача сақланиб қолган бўлиб, юксак гумбазлари ва ўйма нақшлари орқали ўша давр санъатининг нақадар ривожланганини кўрсатади.

Шахрисабз нафақат тарихий обидалар, балки маърифатли инсонлари билан ҳам машхур. Бу ерда



беради. Бу унинг нақадар мухташам шаҳар бўлганига яна бир далилдир.

Бугунги кунда Шахрисабз ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган. Бу эса халқимиз тарихини, ўзлик ифтихорини асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг яққол ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, қадимий Шахрисабз — шунчаки шаҳар эмас, бу ўзбек тарихининг, маданиятининг, ғурурининг тимсолидир. Ҳар бир юрт фарзанди унинг ўтмишини чуқур ўрганмоғи, ҳозирги ва келажак авлодга уни асл ҳолида етказмоғи лозим.

Додарбек АТАЖОНОВ,
Дехқонобод тумани 47-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ!

Инсонда тафаккур шаклланиши биланок ўз олдига улкан мақсадлар қўя бошлайди ва шу мақсадларни амалга ошириш учун режа асосида ҳаракат қила бошлайди. Мақсадни амалга оширишда у маълум бир энергияни сарф этади, баъзан тўсиқларга дуч келади ва вақт масаласида озроқ кеч қолаётгандек кўринади. Табиат шундай яралганки, бунда ҳар бир нарсани қўлга киритишда инсон олдига иккита йўл: эзгулик ва ёвузлик намоён бўлади. Инсонлар ўз мақсадларини ҳалол меҳнат орқали қўлга киритишга ҳаракат қилсалар-да, аммо вақт борасида бироз кечикадилар. Шу боис ҳам уларнинг айримлари ўз олдига қўйган мақсадларига тезроқ эришиш учун хатоларга йўл қўядилар. Уларнинг бу хатоси қонун доирасидан ташқаридаги иш бўлиб, кўринишидан мақсадни осон ва тез амалга оширувчи восита сифатида кўринса ҳам унинг якунда келтириб чиқарадиган ечимсиз муаммолари ҳалокат ёқасига олиб келишини афсуски кеч англайди. Бу хатолардан энг ёмони коррупциядир.

Ўзбек халқида асосан "порахўрлик" сифатида тушуниладиган "коррупция" термини латинча "corruptio" сўзидан олинган бўлиб, "айниш" , "порага сотилиш" деган маъноларни билдиради. Илмий атамаларда мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилишдан иборат амалиёти коррупция деб кўрсатилсада, аммо уни бошқача шаклдаги турлари ҳам борки, биз уларни санамай бу терминни тўла англай олмаймиз. Коррупциянинг юзага келишида шубҳасиз қонунга зид ҳаракатлар кузатилади. Унинг қай мақсадда юзага келишига қараб эса асосан қуйидагича турларда тасниф этиш мақсадга мувофиқ:

а) Танишларни ишга солиш. Бунда бирор шахс ўзининг ишини битказишда юқори лавозимдаги "Танка"сидан фойдаланади;

б) Хизмат эвазига бошқа хизмат. Халқимиз тили билан айтганда "Сиздан угина, биздан бугина" қабилида иш кўради;

с) Порахўрлик. Бунда шахс маълум сармоя эвазига ўз ишини битказиб олади. Коррупция инсоният келажакига улкан хавф солувчи тушунча бўлиб, у ўз навбатида, қобилиятларни яшириш ва аксинча ошириб кўрсатиши ҳам мумкин. Бу тушунчанинг тарихий илдиэлари ҳам узок тарихга эга бўлиб, ёзма манбаларга асосланиб олимлар коррупцияга қарши курашиш тарихини қадимги Шумер давлати билан боғлайдилар. Умуман олганда ҳар бир даврда бу тушунча ҳар хил кўринишда намоён этилган бўлса-да, аммо мазмунан бир хил ҳолатда қўлланган. Масалан, инсоннинг қобилиятига қараб эмас, таниш-билишига қараб лавозим бериб, мансабига қараб сўзлашиш каби ҳолатлар сир эмаски барча хонликлар, амирликларни четлаб ўтмаган.

Шарқ уйғонишида ўзининг энг нодир асарлари билан алоҳида мавқега эга бўлган Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шахри" асарида ҳам коррупция фуқаролик жамиятини қуришдаги асосий муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб ўтади. Ўрта асрларда жаҳоннинг энг кучли

давлатига асос солган Амир Темур "Куч — адолатда" тамоилида иш олиб бориши орқали маълум бир маънода коррупцияга қарши кураш олиб борганлиги, айниқса, Алишер Навоий ёшларнинг иқтидорига қараб иш билан таъминлаши, уларнинг қобилиятини рағбатлантириб иш кўриши ўша даврда мамлакатнинг ривожланишига кескин таъсир этишининг ўзиёқ коррупция бўлмаган жойда ривожланиш ва тараққиёт тез суръатда намаён бўлишини кўрсатган эди.

Ўз иқтидори билан нималарга қодир эканлигини намоён этмоқчи бўлган етук кадр айнан коррупция қурбонига айланса, у ўзи хоҳлаган ишда ишламаса ёки иш топа олмаса, табиийки унда касб касаллиги пайдо бўлади. Коррупция жамият тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб, иқтидорли кадрларнинг имкониятларини чеклайди ва ижтимоий тенгсизликни кучайтиради. Бинобарин, инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб, кўпроқ фойда олишга интилиши каби антропологик омиллар коррупциявий жиноятлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Коррупциянинг кенг тарқалишига бир қатор омиллар - ходимларнинг паст маоши, шаффофликнинг йўқлиги, жамоатчилик назоратининг суэтлиги сабаб бўлади. Коррупция - помидор экилган томорқда бегона ўт каби: вақтида йўқ қилинмаса, бутун ҳосилга зарар етказади.

Бу сўз ҳам илмий томондан, ҳам диний томондан номақбул тушунча сифатида келажак учун мудҳиш жарликни юзага келтирувчилардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Христианликнинг муқаддас китоби Инжилда "Совға кўрни кўрадиган қилган, ҳақиқатни яширади ва шунинг учун уни қабул қилма", дея айтиб ўтилган бўлса, Ислон оламининг муқаддас китоби Қуръони Каримда "Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар", - деб таъкидлаб ўтилади. (Бақара сураси 188-оят). Шунингдек, халқ томонидан яратилган эртақ, қўшиқ, ҳикоялар ҳам борки уларнинг барчасида ҳалоллик улуғланиб, ҳаром қораланади.

Дунё ривожланиш босқичига қадам қўяр экан, энг аввало, ҳар бир ишда адолат ва тенглик бўлгандагина тараққиётга эришиш мумкинлигини англай бошлади. Шаффофлик ва инсон қобилиятини тўғри тақсимлаш орқали бугунги кунда истиқболли режаларни самарали амалга ошириш мумкинлиги ўз исботини топмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2004 йил 9 декабрдан бошлаб ҳар йили 9 декабрь "Халқаро коррупцияга қарши курашиш кўни" сифатида дунё бўйлаб нишонланиб келинмоқда. Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, 2003 йил 31 октябрда БМТ коррупцияга қарши курашиш бўйича конвенцияни қабул қилди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси эса 2008 йилда бу конвенцияга қўшилди. 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрида" Президент Қарорининг эълон қилиниши ва 2016 йил 13 декабрда

Сенат томонидан маъқулланган 34 моддададан иборат Қонунда ҳам коррупция ҳақида, унинг оқибатларини бартараф этиш орқали нималарга эришиш мумкинлигига урғу бериш орқали бугун республикаимизда бу борада ижобий ишлар олиб боришмоқда. Ёшлар орасида турли танловалар ўтказилиши, турли тадбирлар орқали уларга коррупциясиз ҳаётни тарғиб этиш масалалари йўлга қўйилмоқда. Буларнинг барчасида, аввало, асосий мақсад мавжуд бўлиб, бу ҳам бўлса келажак авлодга озод ва обод Ватан қолдириш, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этишдир. Бирок, замон ривожланиши билан коррупциянинг янгича бошқа киёфада ҳам пайдо бўлаётганини, ижтимоий тармоқлардаги "фейк" хабарларнинг кўпчилиги туфайли одамлар онгига нотўғри тушунчаларнинг кириб келаётганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Коррупцияга қарши курашда курашда эски ёндашувлар етарли эмас. Энди бу иллатга қарши бутун халқ ва миллат бирдамлиги, мафкуравий иммунитет шакллантириш керак. Коррупция ҳақида кенгроқ ишлар олиб бориш, қўшимча режалар ишлаб чиқиш, янги ғоя ва фикрлар билан ёндашиш лозим.

Умуман олганда, ҳеч бир соҳа бу жирканч иллатга дуч келмайди, дея олмаймиз. У таълимда ҳам, иқтисод соҳасида ҳам, тиббиёт соҳасида ҳам учрашиши мумкин. Ҳар бир соҳа вакили коррупция ва у келтириб чиқадиган салбий оқибатлар ҳақида етарлича билим, кўникмаларга эга бўлиши бугунги кунда муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар бир олий таълим муассасаларида коррупция масаласига оид фанларнинг жорий этилиши ва уни асосий фан сифатида ўқитиш режасига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки етишиб чиқаётган ёш кадрлар коррупциясиз фаравон ҳаётни қуришда асосий куч ҳисобланишади.

Юртимиз ўзининг ёшларга бераётган улкан имкониятлари билан бошқа ривожланган давлатлардан фарқ қилади. Ўзбекистонда ёшлар иши давлат сиёсати даражасидаги масаладир. Ҳар бир келажак авлод Ватан ва жамият олдига ўз ўрнини топишида, шу юрт ривожига муносиб ҳисса қўшишида уларга коррупция дея аталмиш тўсиқ учрамаслиги лозимлигини юртбошимиз қатор нутқларида алоҳида таъкидлаб, тегишли мутассаддиларга кўрсатмалар бериб ўтгандилар. Президентимизнинг "Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик давлат ва жамиятнинг муқаддас бурчидир", - деган гапларининг ўзидаёқ бу иллатга қарши курашда жамият ва давлат ҳамкорлиги асосий омил экани англашилади. Шу боис ҳам, коррупцияга қарши курашда биргаликда иш олиб бориб, фарзандларимизга шаффофлик ва адолат мезонларига асосланган фаровон давлатни қолдириш ҳар биримизнинг асосий мақсадимиз бўлиши даркор. Зеро, коррупциядан ҳоли жамиятгина чинакам тараққиётга эришади.

Ш.АХМЕДОВ,
университет Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими бош мутахассиси

Ш.КАРИМОВ,
талаба

ЎТГАНЛАРНИ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси "Нур" чойхонаси бош ошпази Собир Равшановнинг турмуш ўртоғи **Муҳайё момонинг** вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Педагогика кафедраси доценти Абдусалом Набиева синглиси **Норжон НАБИЕВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Ноорганик кимё кафедраси ўқитувчиси Гўзал Давроновага акаси **Шерзод ДАВРОНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари кафедраси доценти Нодири Бегматовага отаси **Ҳаким бобонинг** вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Инсон туғилибдики, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ҳаракат қилади. Бу ҳаракатлар эса унга ҳаёти давомида муваффақиятларни олиб келади. Муваффақиятлар унга орзуларининг рўёбини беради. Орзуларга эришишнинг бошланиши биринчи қадамдир.

Маълумки, инсон туғилибоқ юриб кетмайди: олдин эмаклайди, кейин эса секин-секин юриш учун биринчи қадамларини қўя бошлайди. Албатта, бу қадамларни ота-онамизнинг қўлларидан тутган ҳолда босамиз. Бироз вақтдан сўнг эса биз ўзимизнинг дадил қадамларимиз билан юришни бошлаймиз. Эринчоқлик, қўрқоқлик ва ялқовлик — биз инсонларнинг табиатига хос туйғу. Биз ухлашдан олдин ҳаётимни эртадан ўзгартираман, орзуларимни амалга ошириш учун биринчи

қадамни қўяман деб уйқуга кетамиз. Тонгда эса яна ялқовлигимиз тутиб, режаларимизни яна эртага қолдирамиз. Бу иродасизлик эмасми?! Биз ҳали вақтим бор, бу умрнинг эрталари кўп деб ўйлаймизу, лекин бу биз қилишимиз мумкин бўлган энг катта хатолардан биридир. Ахир туғилганимизда эрталаримиз сонини айтишмаган-ку бизга. Агар сизда илм олиш истаги, қайсидир орзуингизни амалга ошириш учун пойдевор қуриш мақсади пайдо бўлган бўлса, сиз бахтли инсонларнинг бирисиз. Устозлар: "Илмни хор қилиш — гуноҳ. У қачон хор бўлади, қачонки уни илм олишни истамаган инсонга ўргатсанг", - деганлар. Менимча, бу жуда тўғри айтилган фикр. Менинг ҳаётимдаги мақсадларимга эришиш учун қўйган биринчи қадамим — абитуриентлик.

Албатта, бу қадамни босишим учун бир қўлимдан ота-онам тутган бўлишса, бошқа биридан устозим тутган. Илм олишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ҳеч нарса осонликча қўлга киритилмайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, агарда сен чин дилдан, сабр билан ҳаракат қилган бўлсанг меҳнатинг мукофотсиз қолмайди. Юришни бошлаганингда қоқилишинг, йиқилишинг мумкин, лекин муҳими сен йиқилганинг эмас, балки яна куч тўплаб қайта оёққа туриб йўлингни давом эттиришинг. Унутма, биринчи қадамингни босишинг учун қўлингдан тутганлар қоқилганингда иродасизлик қилиб тўхтаб қолишинг учун тутишмаган. Уларга сенинг муваффақиятинг керак. Агар орзуларим орзулигича қолмасин десанг, жамиятда ўз ўрнингни топишни истасанг, биринчи қадамингни қўйишинг учун энг яхши кун — бугун, энг қулай вақт эса ҳозирдир!

Дилнұра НАЖИМОВА,
талаба

ОНАМ

*Баъзан ҳаёт йўли бўлмади равон,
Топганларим бўлди жуда-жуда кам,
Қарши турса ҳам менга бор жаҳон,
Мен борман дедингиз, меҳрибон онам.*

*Баъзида йиқилдим, баъзида турдим,
Қалбимга йиғилди чексиз дард, алам,
Сўзингизга кирмай кўп афсус қилдим,
Нодон ўғлингизни кечиринг, онам.*

*Билмай қалбингизни кўп бора тилдим,
Виждон азобида титрайди танам,
Қадрингизни балки жуда кеч билдим,
Узурим қабул қилинг, илтимос, онам!*

Абдулло ПАНЖИЕВ,
талаба

ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ҚАТОР ЕНГИЛЛИКЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон президентининг топшириғи билан, ҳайдовчиларга енгиллик яратишга қаратилган ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу ҳақда давлат раҳбарининг матбуот котиби Шерзод Асадов хабар берди.

Камералар йўл чизигини босганлик учун жарима ёзмайди

1 июндан бошлаб йўл чизикларини босиб қоидабузарлик содир этиш ҳолатларини автоматлаштирилган фото-видео қайд этиш мосламалари орқали қайд этишга йўл қўйилмайди. Тўхташ чизиги - "стоп-линия" бундан мустасно.

"Ҳайдовчи чизикни босиб олса, бу қоидабузарлик фоторадар ёки видеокамера орқали қайд этилмайди, демек, автоматик равишда жарима ёзилмайди. Лекин ЙПХ ходими томонидан аниқланганда, қоидабузарлик ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади", - дея аниқлик киритди Асадов.

Шаҳарларда 07:00 дан 21:00 гача йўл таъмирлаш ишларини олиб бориш тақиқланмоқда

1 июндан бошлаб, шаҳарларда автомобиль йўлларини таъмирлаш ёки йўл чизикларини чизиб билан боғлиқ ишларни соат 07:00 дан 21:00 га қадар амалга оширишга йўл қўйилмайди. Дам олиш кунлари, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно.

Радар бор жойда "Радар" йўл белгисини ўрнатиш мажбурий бўлади

1 сентябрдан бошлаб, ҳаракат тезлигини назорат қилишга мўлжалланган ҳар қандай турдаги стационар ва мобиль радарлар жойлашган ҳудудда "Радар" йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий бўлади.

"Радар" йўл белгиси радар жойлашган жойдан камида 250 метр, кўпи билан 500 метргача бўлган масофада ўрнатилади.

Кечаси жамоат транспорти йўлагиди юришга рухсат берилди

Бугундан бошлаб, соат 23:00 дан 06:00 га қадар йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат берилди.

Бунгача автобуслар ҳаракати учун ажратилган, яъни "А" ҳарфли тасмаларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ҳозирда тақиқланган эди.

"Соат 23:00 дан бошлаб деярли барча автобус йўналишлари ўз ишини тугатишини ҳисобга олиб ҳамда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида, бошқа транспорт воситаларининг тунги пайтда, соат 6:00 га қадар ушбу тасмаларда ҳаракатланиши мумкин бўлади ва бу қоидабузарлик ҳисобланмайди", - дейилади расмий изоҳда.



Мактаб ва боғчалар олдида тезлик режими юмшатилади

Мактаб ва боғчалар атрофидаги йўлларда соат 19:00 дан 07:00 гача бўлган вақт оралиғида, шунингдек, дам олиш ва таътил кунларида ушбу аҳоли пункти учун рухсат этилган умумий тезлик чегарасигача ошириб ҳаракатланишга рухсат берилди.

Маълумот учун, 2022 йил апрелдан эътиборан, мактаб ва боғчалар атрофидаги йўлларда 300 метргача бўлган масофада тезликни 30 км/соатдан ошириш тақиқланган.

Тўхташни тақиқловчи йўл белгилари қайта кўриб чиқилади

"Тўхташ тақиқланган" ва "Тўхтаб туриш тақиқланган" йўл белгиларининг мақсадга мувофиқ ўрнатилгани нуқтайи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Зарурат бўлмаган жойларда ўрнатилган йўл белгилари демонтаж қилинади.

Шунингдек, бу белгиларнинг амал қилиш вақтини кўрсатувчи қўшимча ахборот белгилари ўрнатилади. Бу белгиларда кўрсатилган амал қилиш вақтидан ташқари пайтда, транспорт воситаларининг тегишлича тўхташи ва тўхтаб туришига рухсат берилди.

"Масалан, "Тўхтаб туриш тақиқланган" белгисининг тагида амал қилиш вақти соат "7:00 - 21:00" деб кўрсатилган бўлса, транспорт воситалари ушбу белги ҳудудида соат 21:00 дан 7:00 га қадар бемалол тўхтаб туришлари мумкин бўлади", - дея тушунтирди президент матбуот хизмати.

Темирйўл кесишмаларида "Стоп" белгилари бошқарилувчи светофорларга алмаштирилади

Қайд этилишича, бугунги кунда йўллардан кесиб ўтувчи айрим темирйўлларда ҳафта ёки кун давомида вагонлар ҳаракатланмаса-да, ҳайдовчилар белги олдида тўхташга мажбур ва натижада узун тирбандликлар юзага келмоқда.

Масалан, Тошкент шахрининг Фарғона йўли кўчаси (кўприк олдида), Чўпонота ва Шота Руставели кўчалари кесишмаси, Кичик халқа йўли (Қушбеги) сингари йирик йўлларда зарурат бўлмаса-да, ҳайдовчилар тўхташга мажбур.

Шу муносабат билан қарор билан автомобиль йўлларидан ўтган айрим темирйўл кесишмаларида "Стоп" белгилари бошқарилувчи светофорларга алмаштирилиши белгиланди.

Ўзбекистон йўлларидаги барча радар ва камералар йил охиригача тўлиқ хатловдан ўтказилади

Қарорга мувофиқ:

Ички ишлар вазирлиги томонидан 2025 йил якунига қадар чорраҳа ва йўллардаги барча махсус техника воситалари тўлиқ хатловдан ўтказилади;

— хатлов натижалари бўйича ўзбошимчалик билан ёки белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолда ўрнатилган, техник ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган техника воситалари демонтаж қилинади;

— ҳайдовчилар томонидан тезликни ошириш ҳолатлари кўплаб кузатилаётган ҳудудларда автомашиналарнинг айни вақтдаги тезлигини кўрсатиб огоҳлантирувчи электрон таблолар ўрнатилади;

— тадбиркорларнинг махсус техника воситаларидан фойдаланишда шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

Биринчи марта содир этилган енгил қоидабузарлик учун огоҳлантириш берилади

Маълум қилинишича, президент топшириғига мувофиқ, маъмурий жазолар тизимига янги - "маъмурий огоҳлантириш" таъсир чорасини киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳага кўра, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ айрим енгил турдаги ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахсларга ЙПХ инспектори томонидан огоҳлантириш берилади. Огоҳлантириш бир йил ичида фақат бир маротаба берилиши мумкин.

МУАССИС:
Қарши давлат
университети

ISSN 2181-7561

Вилоят Матбуот
ва ахборот
бошқармасида
2007 йил 2 апрелда
14-035 рақами билан
рўйхатга олинган

**Жамоатчилик
кенгаши:**

Д.Х.НАБИЕВ,
О.КУЗИЕВ,
А.ХОЛМУРОДОВ,
Х.ДЖУРАЕВ,
И.БЕКПҲАТОВ,
А.НОРОВ,
Д.ТҲАЕВ,
А.ЭРКАЕВ,
А.ШОДИЕВ.

Мухаррир: Фиёсиддин ШОДМОНОВ.

Таҳрир хайъати:

Л.ЎЗИЕВ,
Н.ШОДМОНОВ,
С.ЧОРИЕВ,
Х.ЖАББОРОВ,
Г.ИМОМОВА,
Ш.НУРИДДИНОВ,
Н.ЙҲЛДОШЕВА,
О.БҲРИЕВА,
Д.ШОДМОНОВА,
Ш.КАРОМОВА,
Ж.ИСМАТИЛЛОЕВ.

**Газета ойда бир
марта чиқади.**

Адади:
1000 нусха
Чоп этишга
рухсат берилиб,
имзо қўйилган
вақти 2025 йил
28 май
соат 15.00
Баҳоси
келишилган
нархда

Газета
«Photo Express»
ишлаб
чиқариш
корхонасида чоп
этилди.
Босмахона
манзили:
Қарши шаҳри,
Мустақиллик
кўчаси,
22-уй.

Навбатчи: Ж.Исматилиев
Матн терувчи ва
саҳифаловчи: М.Мусаев
Таҳририят манзили:
Қарши шаҳри,
Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Тел: (+99897) 382-21-31
Мурожаат учун бот:
@qarshidupressbot
Email: qarun.gazeta@umail.uz
Буюртма №273.

